# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ГАВҲАРИ



*Агар Тошкентдан водийга сафар қилсангиз, Қўқон — Боғдод — Риштон — Олтиариқ — Фарғона — Қува йўлларида бир юринг, яна шу йўлларда юргингиз келиб қолади. Кенг ва равон йўллар узоғингизни яқин қилади. Икки томони гулзорлару, боғ-роғлар. Чиройли бинолар.*

*Фарғона шаҳрини айтмайсизми?*

*Кейинги уч-тўрт йил ичида жуда ўзгариб кетибди. Бу гўшада ободончиликни, янги бунёд этилган ва тубдан таъмирланган замонавий иншоотларни кўрган кўз қувонади. Кўчалари соя-салқин, одамлари ўша-ўша камтарин ва ширинсухан.*

*Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтсак, «Фарғона нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг гавҳаридир».*

*Фарғона ҳақида, унинг фарзандлари — буюк астроном, математик ва географ, фалакиёт илмининг султони Аҳмад Фарғоний, машҳур фиқх олими Бурҳониддин Марғиноний, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар ҳақида қанча ёзсак ҳам оз. Ёр, диёр, муҳаббат куйчиси — Эркин Воҳидов каби дилкаш аҳли ижод бешигидир бу Фарғона.*

*Ривожланган чет мамлакатлар билан тенг ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариб, дунё бозорларида сотишаётир. Саҳоватли фермерлари, қўли гул ҳунармандларини мақтамай бўладими?*

*Вилоятда, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга эътибор берилаётир. Ўзбекистон номини жаҳонга танитаётган спортчилар сафи кенгаймоқда. Саноат корхоналари миқёси жиҳатидан ҳам мамлакатда етакчи ўрин тутади.*

*Эътиборингизга вилоят ҳаётидаги ютуқлардан бир шингилини ҳавола этаётирмиз.*



## UZSALAMAN ЖАҲОН БОЗОРИДА

Талабалик йиллари — бундан йигирма йил аввал чет элда ишлаб чиқарилган оёқ кийими танқис эди — харид қилиш насиб этиб қолса, бошимиз осмонга етарди. Туфли ҳам ўшанда туфлидек эди. Камида икки-уч йил битта туфлини кийиб юравераардик. Ўшанда ким ўйлабди дебсиз, кунлар келиб Ўзбекистонда ҳам чет элникидай оёқ кийимлари тайёрланади деб?

Мустақиллик шарофати билан бундан тўққиз йил аввал Фарғона шаҳрида Ўзбекистон — Германия «UZSALAMAN» қўшма корхонаси ташкил топди. Мана ўшандан буён корхона мўътадил ишлаб келаётир. Тўққиз йилда бир ярим миллион жуфтдан ортиқ пойабзаллар тайёрланди. Юзлаб нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланганини айтмайсизми? Энг қувончлиси, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига қараб маҳсулот турлари ранг баранг бўлиб бораётир. Чет мамлакатларга — Россия, Қирғизистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилинаётир.

— "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган тамға остидаги маҳсулотларга чет элларда ҳам харидорлар кўпайиб бораётганидан фахрланамиз, — дейди қўшма корхона бош директори Қодиржон Солиев. — Ҳатто, ҳамкорларимиз юрти — Германияга ҳам экспорт қилинаётир. Уларга ҳам биз ишлаб чиқараётган оёқ кийимлари манзур бўлаётир. Мижозларимиз кўпайса — бу катта ютуқ. Уларнинг дидларига мос бежирим, чидамли янги-янги пойабзаллар тайёрлаш йўлларини қидиравeрамиз. Дарҳақиқат, корхона иш бошлаган дастлабки йиллари маҳсулотларнинг нархлари қимматроқ эди. Хом ашё хориждан келтирилгани боис харажатлар ортиб, ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар таннархи кўтарилиб кетарди. Бугунчи? Бугун пойабзаллар тайёрлаш учун ишлатилаётган хом ашёнинг тўқсон фоизи маҳаллий хом ашёдан.

Қўқондаги "Кўнчи" корхонасидан, "Обиджон" ва "Аҳмедов" хусусий фирмаларидан олинаётган чармлар Германиядан келтириладиганидан асло қолишмайди. Москва, Новосибирск, Бишкек, Беларусда ташкил этилган савдо уйларига беш минг жуфтдан ортиқ оёқ кийимлари жўнатилди. Элликдан ортиқ маҳаллий савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«UZSALAMAN» да ишлаб чиқарилган пойабзаллар қирқ даражадан ортиқ иссиққа ҳам чидамли. Олтмиш даражагача совуқ иқлим шароитида ҳам фойдаланса бўлади. Дунё пойабзал бозорининг талабларига жавоб берадиган маҳсулотларимизнинг харидоргирлиги ортиб бораётир.

Энг катта буюртмачиларимиздан бири — республика Мудофаа вазирлигидир. Ватан ҳимоячилари бизда ишлаб чиқарилаётган пойабзалларни кийиб юрганини кўрсангиз, албатта, ғурурланиб кетасиз.

— Мана икки йилдан бери «UZSALAMAN»да ишлаб чиқарилган туфлини кийиб юрибман, — дейди Қува туманидаги Мусажон Шербўтаев номли ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи муаллим Одилжон Низомов оёғидаги пойабзалга ишора қилиб. — Бозорлардаги ташқи кўриниши "қўғирчоқдай". Хитой ва бошқа шунга ўхшаш давлатлардан олиб келиниб сотилаётган пойабзаллар бир-икки ойдаёқ ишдан чиқади. Тезда йиртилиб, чоки сўкилади. Ёғингарчилик бўлса, ичига сув кириб кетади. Ҳадеб оёқ кийими сотиб олаверсангиз, пул етказиб бўладими? Буёғи бозор иқтиодиёти, ҳар сўмимизни ҳисоби бор.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 792 миллион сўмлик 51 минг 200 жуфт пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш шерикларга жўнатилаётир. Гулчеҳра Маллаева, Кимёхон Абдураҳмонова, Июроҳимжон Абдураҳмонов, Дилшод Раҳимов, Ҳалимжон Ҳалилов, Муҳаббат Исроилова каби илғор ишчиларнинг тайёрлаётган бир-биридан чиройли оёқ кийимларини харид қилганлар асло афсусланмайди, аксинча, яна шунақасидан олиб кийгиси келаверади.





Корхонада мижозларнинг талаб ва истакларига кўра пойабзал тайёрлаб бериш имконияти бор. Масалан, Афғонистоннинг "Кангар" фирмаси маҳаллий аҳоли урф-одатлари ва иқлим шароитига мос бўлган оёқ кийимлари тайёрлаб беришга буюртма қилганди. Шартномада кўрсатилган маҳсулот мижозларга етказиб берилди ва афғонистонлик шериклар бундан буён ҳам ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдиришди. Бозор бозорда, вақт ўтган сайин маҳсулотларнинг янги-янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилмаса, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларидан ортда қолиб кетилади. Бозор талабларидан келиб чиқиб Германиядан "Отогалли" агрегатлари олиб келинди. Бундан ташқари Жанубий Кореянинг "Хюндай" фирмаси билан спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш борасида музокаралар олиб борилаётир.

Корхонанинг иқтисодий имкониятлари кенгайиб бораётгани боис, меҳр-мурувват ва хайрия учун йил сайин кўпроқ маблағлар ажратилаётир.

Корхонада ишловчи кўп фарзандлиларга, корхонага қўшни маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ҳар бирига қирқ беш килограммли бир қопдан жами 2 миллион 710 минг сўмлик ун берилди. Шаҳардаги 49-маҳалла фуқаролар йиғинига 528 минг сўмлик ёрдам ажратилди. Бир чоракда жами 3 миллион 960 минг сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Болалар спортини ташкил этиш учун тўрт миллион сўм сарфланди.

Қўшма корхона совриниучун бокс мусобақаси ўтказилди. Мусобақада водий вилоятлари, Қирғизистон, Тожикистондан спортчилар қатнашди.

"Ёрмозор" фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ ҳокимлик пункти қуриб битказилди. Бу мақсадга ўн тўрт миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди.

«UZSALAMAN» қўшма корхонаси мамлакатимиз пойабзалчилик саноатида катта мавқега эга. Ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда муносиб ўрни бор. Истаймизки қўшма корхона тамғаси босилган маҳсулотлар жаҳоннинг яна кўплаб мамлакатлари бозорларига кириб бораверсин.

**Қодирали СОДИҚОВ,**
**қўшма корхона касаба қўмитаси раиси.**







***(Суратларда қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар).***

Ўзбекистон — Россия чет эл инвестицияси иштирокидаги Қўқон суперфосфат заводи очиқ акционерлик жамияти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифини қутлайди

Икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан ҳам мустаҳкамланаверсин. Осмонимизда тинчлик кабутарлари парвоз қилаверсин!

# МУРУВВАТ КОШОНАСИ

**(Боши 1-бетда)**

Қувада бўлганимизда яхшилар ҳам, уларни қадр-қимматини улуғловчилар ҳам кўплигидан қувондик. Иброҳим Каримовнинг номида кўчалар аталибди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, дейишди: у кишига ҳайкаллар ўрнатамиз, у кишини номи билан аталувчи мактаблар қурамиз".

Ҳурматилло ака ижодкорларни жуда қадрлайди, суҳбатлашгиси келади. Ўзи ҳам ижодкордан қолишмайди. Бундан беш йил илгари шоиримиз Муҳаммад Юсуф билан Фарғонага борганимизда Қувада бир нодир шоир бор — Шокиржон Ҳакимий деган, унинг Ҳурматилло деган укаси бор, мақола ёзсанг ўшалар ҳақида ҳам албатта ёзгин деганди. Муҳаммад акамнинг ўзи ҳам Шокиржон Ҳакимийни тез-тез йўқлаб хонадонига бориб турар экан. Шокиржон аканинг ҳузурига бирга киргандик. Кўриб кўзларимга ёш келганди: бир умр тўшакка михланиб қолган шоир ҳузуридан унинг матонатига тан бериб қайтгандик. Мана ҳар икки шоир ҳам бу дунёдан ўтиб кетди. Номлари эса тилларда.

Ҳурматилло ака ўз тирикчилигини ўзи кўриши қийин бўлган кишиларга эҳсон қилишни умрининг мазмуни деб билади. Қанча кўп инъом қилса шунча кўп севинадиган қалб эгаси. Ораси бузилган кишилар алоқасини тиклаб юради. Бирор кишининг бошига мусибат тушса ё ғам етса, ҳатто у душманлик йўлини тутган кимса бўлса ҳам асло хурсанд бўлмайди. Ёмонлик қилганга яхшилик қилаверади. Ҳақсизликларни сабр билан, қийинчиликларни чидам билан енгишга одатланган оқил киши. Хуллас — Худо берган инсон.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг васиятларида шундай сўзлар бор: "Ё Али, Худойи Таоло фармон қиларки, "Эй Жаброил, беҳиштга бориб, ул одамнинг жойини кенг қилгилки, етимни хурсанд қилиб, кулдирибдир. Албатта мен уни хурсанд қилурман".

**Фермер хўжалиги ҳисобидан 2002 йил "Наврўз" байрамида 24 нафар меҳрибонларидан айрилган ва кам таъминланган ночор оилалар болаларига суннат тўйи қилиб берилди.**

**2003 йил Мустақиллик байрамида 43 нафар меҳрибонларга муҳтож болаларга суннат тўйи, 28 нафар 75, 80, 85, 90, 95 ёшга кирган қарияларга юбилей тўйи, бир нафар келин-куёвга никоҳ тўйи қилиб берилди.**










Бу муборак ҳадисни эслаганимиз боиси бор: Иброҳим ота ҳаёти мобайнида юзлаб етим болаларга суннат тўйи, юзлаб камхарж, ночор оилаларнинг фарзандларига никоҳ тўйлари қилиб берганди. Неча-неча ногиронларнинг дардларига малҳам бўладиган саҳоватли ва савобли ишларни қилгани шарофати билан юртга танилганди. Бугун шундай хайрли йўлдан унинг шогирди кетаётир.

Дилимга шу сатрлар келди:

***Бунёд этсанг***
***мурувватдан кошона,***
***Уни ҳеч ким қила***
***олмас вайрона.***

**Ўринбой КЕНЖА.**

